



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДХ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Қозоғистон Республикасида бўладиган мажлисида иштирок этади.

Давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида МДХ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

### ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

## Юзма-юз мулоқотларда

ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда

■ Фарғона вилоятининг қайси шаҳар ва туманида бўлмат, улкан бунёдкорлик ишлари, кенг қўлмилик иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз. Мазкур жараёнда Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари, депутатлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, уйда ўтирган аёлларни касаначилик йўли билан фаол ҳаётга жалб этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланганларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар ҳар доим эътиборда.

ЎЗХДП вилоят кенгаши партия фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида ҳудудларда аҳоли вакиллари билан мунтазам учрашувлар ташкил этипти. Аҳоли, хусусан, электротар вакиллари, ёшлар билан бўлаётган мазкур мулоқотларда ижтимоий масалалар, уларни ҳал қилиш чоралари бўйича қизгин суҳбатлар ўтмоқда. Бу гал ана шундай учрашув Сўх туманида бўлди.

► Давоми 2-бетда.

### ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Пойтахтимизда 15-16 октябрь кунлари XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.



## Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридаги эътирофи

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ярмарканинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари пахтачиллик ва енгил саноат компаниялари бу ярмаркада фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, соҳага жаҳон андозаларига мос янги технологияларни жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар фаолияти бунга ёрдам берди.

— Бугунги кунда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси туширилган пахта толеси дунёнинг кўплаб мамлакатларида муносиб ўрин эгаллаётди, — дейди «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг Инвестиция бўлими бошлиғи Ринат Гуляев. — Ўзбек пахтасининг шуҳратини янада баланд кўтариш учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Уюшмамиз тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида ҳар йили 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси қайта ишланиб, 1 миллион тонна пахта толеси, 1,6 миллион тонна уруғлик чигит, момиқ ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

► Давоми 3-бетда.

### ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



Фаррух АЛИЕВ оғил суратлар.

## Ёшларимизни «оммавий маданият» таъсиридан асрайлик

«Оммавий маданият»нинг салбий кўринишлари ҳақида нима-ларни биламиз? Ёшларни унинг таъсиридан асраш учун нима қилишимиз керак? ЎЗХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аввалида ўртага ташланган ушбу саволлар

атрофида қизгин фикр алмашув бўлди. Бугунги глобаллашув жараёни, унинг ўзига хос имкониятлари ҳамда айрим кучлар томонидан ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ури-нишлар ҳақида сўз борди.

► Давоми 2-бетда.

Айни пайтда Ўзбекистон ХДП фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз таклифларини ишлаб чиқмоқда.

Тошкент вилоятида 500 нафарга яқин хотин-қиз «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичида иштирок этиш истагини билдирди. Улар орасидан саралаб олинган 149 нафари танловнинг илк босқичида иштирок этди.

## Газетхонлар билан учрашув

■ Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда партияимиз аъзолари, фаоллари, электротар вакиллари иштирок этди. Газеталаримиз Бош муҳаррири Сафар Остонов тахририятнинг келгуси режалари ҳақида гапириб берди.



Мамлакатимизда бугун сиёсий партияларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб, макеи ортиб бормоқда. Бу эса уларнинг нашрлари олдига ҳам қатор долзарб вазифаларни қўяди. Айниқса, партия матбуотида чоп этиладиган мақолалар сифатини янада ошириш, партиявий, таҳлилий мақолаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолияти, ташаббуслари ҳақидаги асосий маълумотларни «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталаридан ва унинг интернетдаги сайтидан олса бўлади, — дейди ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар

Кенгашидаги партияимиз гуруҳи раҳбари Ҳайдар Бобохонов. — Айни пайтда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар орасида фақат ЎЗХДП нашри ўзбек ва рус тилларида ҳафтада тўрт марта чоп этилмоқда. Партияимиз аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан иш ўринлари яратиш масаласида парламент эшитиш ўтказилди. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ҳисоботи тингланди. Бу масалалар партияимиз нашрларида ҳам кенг ёритилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдузимова ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Ёзувчи, «Темирйўл» романи муаллифи Луқмон Бўрихон темирйўлнинг мамлакатимиз ҳаётидаги беқиёс аҳамияти ҳақида тўхталиб, Хонанда Абдурашид Исоқов ижро этган дилрабо кўшиқлар иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

— «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида таълим, айниқса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими-га доир мақолалар мунтазам бериб борилади, — дейди коллежнинг тадбиркорлик ва бизнес асослари фани ўқитувчиси Жамшид Ҳамроев. — Газета орқали фидойий ўқитувчилар, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежлари ҳақида ҳам маълумот оламиз. Бугун биз газета ходимлари билан юзма-юз суҳбатлашдик. Уларга ўзимизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, таклифларимизни билдирдик. Ишонманки, коллежимиз жамоаси билан газета тахририяти ўртасидаги дўстона муносабат давом этади.

— Бугунги тадбир орқали ЎЗХДП ва унинг нашрлари ҳақида кенг тушуنча олдик, — дейди коллежнинг иқтисод фани ўқитувчиси Мўътабар Дониёрова. — Газета ходимлари билан бўлган суҳбат бизда катта таассурот қолдирди. Биз ўз ўқувчиларимизга ушбу газеталарни доимий равишда ўқиб боришни маслаҳат берамиз. Бу орқали улар мамлакатимизда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиш билан бирга, сиёсий билимларини ҳам оширади.

Тадбир сўнггида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Темур АбЗАМ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликлар,  
бунёдкорликлар,  
хабарлар...

## Иккита завод ишга туширилади

2016 йилда Термиз шаҳрида озиқ-овқат саноати корхоналари учун ускуна ва бутловчи эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ихтисослашган, 2017 йилда Сарийосий туманида активлаштирилган кўмир ишлаб чиқариш заводлари ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бу ишлар Навоий-кон металлургия комбинати томонидан амалга оширилади. Бу ҳақда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги «Барил» МЧЖ томонидан электр жиҳозлари, «Эин Нурайин Сервис» МЧЖда электрвинтлятор ва Бойсун туманидаги «Жийдали Бойсун» корхонаси томонидан дазмол ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиши кутилмоқда.

Сурхондарё

## БМТ ҳамкорлик истиқболлари

Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Бу ҳақда Наманган вилоят ҳокимлигининг расмий сайти хабар бермоқда.

Тадбирда Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлигининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда фермерлар иштирок этди.

Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Жунхун Чо бошчилигидаги эксперт ва мутахассислар томонидан юртимизда истиқлол йилларида барқарор иқтисодий ўсиш суръати кузатилаётгани алоҳида қайд этилди. Бунда республика ҳукуматининг ички ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича белгиланган стратегияси, изчил юри-таётган ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Наманган

## Кексалар — иззатда

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Нуроний» жамғармаси Хатирчи туман бўлими ҳамда Пулкан шoir номли кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида табаррук ёшдаги отахон у онахонларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Бу ҳақда Навоий вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати хабар беради.

Мазкур саёҳат давомида 54 нафар нуроний Амир Темур макбараси, Улугбек расадхонаси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси ва шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, улар Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида ҳам бўлишди.

Самарқанд шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари навоийлик меҳнат фахрийларида катта таассурот қолдирди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ  
тайёрлади.

Навоий

## Замонавий корпоратив бошқарув

услублари жорий этилиши акциядорлик жамиятлари ривожланишига хизмат қилади



## ■ Партия гуруҳлари фаолияти: мулоҳаза, таҳлил, таклиф

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

# Юзма-юз мулоқотларда

ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда

Сўх очикўнгил, меҳмондўст ва меҳнатсевар одамлари билан Фарғона вилоятида алоҳида ажралиб туради. Салкам етмиш минг аҳолиси бўлган бу туманни чор тарафдан тоғлар қўшаб олган. Сўх дарёси унинг худудидан оқиб ўтади.

Мустиқлик йилларида сўхликлар ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар бўлиб берибди. Бу ерда ўнлаб саноат корхоналари барпо қилинди. Замонавий технологиялар келтирилиб, турли ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилди. Ҳозир бу ерда ичимлик суви қадоқлашдан кийим-кечак тикишгача, мебеласозликдан нон маҳсулотларигача ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон ХДП Сўх туман кенгашига 1187 нафар аъзо бирлашган. Улар дастурий вазифалар ижросида фаоллик кўрсатиб келяпти.

— Партиямиз дастурида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎзХДП туман кенгаши раиси Фарҳод Мاستонов**. — Дастурида янги иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизлар ва қоллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ҳам тақдирлар берилган. Улар мамлакатимизда бандлик билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

## ИШ ЎРНИ ЯРАТИШДА ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Шу ўринда тумандаги ислохотлар, Ўзбекистон ХДП депутатларининг ташаббуслари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг 9 ойида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан қиймати 3,9 миллиард сўмга тенг бўлган 101 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 461 янги иш ўрни очилди. 62 савдо ва маиший хиз-

мат кўрсатиш объекти ишга туширилиб, 173 иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, 19 лойиҳа бўйича корхоналарнинг саноат салоҳияти оширилди ва яна 225 янги иш ўрни яратилди. Бундай ижобий натижалар билан бирга, туманда ҳали тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам бор эди...

Шу боис халқ депутатлари Сўх туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг 9 ойлик ижроси ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласини атрофлича ўрганиб, Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси муҳокамасига киритди. Кун тартиби бўйича туман бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Равшан Жонузоқовнинг ахбороти тингланди.

— Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган 9 ойида бандлик Дастурида белгиланганидек, 2686 кишининг бандлиги таъминланди. Бунда худуднинг саноат салоҳиятини янада ошириш, сервис соҳаси, оилавий ва яққа тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига эътибор берилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, тумандаги 36 корхонада 144 касаначилик иш ўрни яратилган. Уларнинг 63 тасига аёллар жалб этилган. Касаначиликни ривожлантириш ҳисобига яратилган иш ўринлари асосан тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Бандликни таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида туманда 5 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилган. Натижада ишга жойлашиш учун йўлланма берилганларнинг ҳозиргача 113 нафари иш билан таъминланган.

Доимий комиссия йиғилишида Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари

Электорат мурожаатларини ҳал қилиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг доимий эътиборида.

йўл қўйилган камчиликларни ҳам очик ва ошкора муҳокама этишди.

— Туман бўйича бандлик дастуридаги кўрсаткичлар баҳариланган бўлсада, аммо туман ҳокимлиги қошидаги бу масалага асосий масъул ҳисобланган ишчи комиссия ишни етарли даражада ташкил этмапти. Ўтган 8 ой давомида дастурда кўзда тутилган 8 лойиҳада белгиланган 54 иш ўрни ташкил этилмагандан қолди, — дейди **халқ депутатлари Сўх туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Назиржон Қосимов**. — Мисол учун, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар амалга ошмагани учун 29 иш ўрни яратилмай қолди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган 5 лойиҳа вақтида рўёбга чиқмади.

Доимий комиссия йиғилишида сўз олган ЎзХДП гуруҳи аъзолари

маълум бир фоизи ҳозирга қадар ишга жойлашмаганига эътибор қаратишди. Бу борада ҳамкорлик ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича аниқ тақдирлар берилди.

Уч томонлама шартнома вақтида ижро этилиши учун партиямиз аъзоларини битирувчиларга бириктириш тақдирини маълум қилди.

Доимий комиссия йиғилишида депутатлар билдирган тақдирлар асосида қарор қабул қилинди.

## СИЗГА ИШОНИБ, ЁРДАМ СЎРАБ КЕЛДИМ...

— Бундан ўн кун аввал туманимиз аҳолисига Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилиниши ҳақида хабар бергандик, — дейди **Фарҳод Мاستонов**. — Белгиланган кун, манзил ва соатда юзга яқин одам йиғилди. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамов бошчилигидаги партиясиз аъзолари турли идора ва корхона раҳбарлари, банк ходимлари иштирокида фуқароларни қабул қилишди.

Девайрон, Қалъа, Ровон, Ленбур маҳаллалари аҳолиси кредит олиш, эски сув қувурларини алмаштириш, худудда телекоммуникация, алоқа сифатини яхшилаш каби масалаларда мурожаат қилишди.

— Биз ЎзХДПга ишонамиз, — дейди **Ровон маҳалласида яшовчи Дилнозахон Болтабоева**. — Илгари ҳам йўлларни таъмирлаш масаласини қўйгандик. Ўшанда тез кунда вилоятдан вакиллар, мутахассислар келиб, аҳолини ўрганишди, тегишли режага киритишди.

— Мана, бугунга келиб ўша кўчалар таъмирдан чиқарилди. Мен партия кўчма Жамоатчилик қабулхонасига уй шароитида иссиқхона ташкил этиш учун ҳуқуқий ёрдам

ва банкдан 5 миллион сўм кредит олишда кўмак сўраб келдим.

— Дилнозахоннинг мурожаати тез фурсатда ҳал этилди, «Микрокредитбанк» вилоят филиали иссиқхона қурилиши учун имтиёзли кредит ажратадиган бўлди, — дейди **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамов**. — Биз вилоятдаги уй иссиқхоналари таърибаси ҳақида маълумотларни умумлаштириб, мурожаат этувчига топширдик. Партиямиз фаоллари бошқа ташкилий ишларда ҳам ёрдам берадиган бўлди.

Шу кунги кўчма Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатлар юзасидан халқ депутатлари Фарғона вилоят ва Сўх туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари номига 18 депутатлик сўрови юборишди.

Шунингдек, Сўх учрашувлари доирасида депутатлар ва партия фаоллари тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари, маҳаллалар ва марказий бозор фаолияти билан яқиндан танишишди. Одамлар билан юзма-юз мулоқотлар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Партия дастурий мақсадлари ҳақида сўз юритилди. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни аъзоликка тайёрлаш ишлари амалга оширилди.

— Бундай кенг қўламли учрашувларни биринчи бор ташкил этганимиз йўқ, — дейди вилоят партия кенгаши раиси. — Илгари Учқўприк, Ўзбекистон, Қўштепа туманларида ҳам аҳоли ва электоратимиз вакиллари билан мулоқотлар, турли тадбирлар уюштирилган. Мазкур йўналишдаги ишларни бундан бундан ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

# Куйи бўгин орқали

сиёсий партия одамлар орасига чуқур кириб боради, электоратни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганади

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон ХДПнинг 35 мингдан ортиқ аъзоси 845 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Уларнинг 12273 нафари хотин-қизлар, 9724 нафари эса 30 ёшга бўлган ёшлардир. Айтиш керакки, бошланғич партия ташкилотлари жойларда партия дастурий мақсадлари, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушуштириш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Масалан, «Гиссарнефитгаз» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида ташкил этилган янги бошланғич партия ташкилоти фаолияти диққатга сазовордир.

— Бошланғич ташкилотнинг 30 нафарга яқин аъзоси **етақчи Жўракул Амиров** билан бирга бошланғич ташкилот фаолиятини янада кучайтиришга ҳаракат қилипти.

Маълумки, бошланғич ташкилот фаолиятидаги устувор вазифалардан бири аъзолар, тарафдорлар, электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, партия гуруҳларига етказишдан иборат. Шу боис мазкур бошланғич ташкилот аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тақдирларни халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳимиз муҳокамасига олиб чиқишга эришапти. Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни, эркин мулоқотларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин берилляпти.

Фаол аъзоларимиз маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига коммунал соҳадаги муаммолар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш борасидаги масалалар билан мурожаат этиб туришади. Бу мурожаатлар партия гуруҳи томонидан маҳаллий Кенгашлардаги сессияларда муҳокама этилиб, ижобий ечим топмоқда.

Бошланғич ташкилот ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи билан мустаҳкам алоқада. Бу ҳамкорлик натижаси аъзоларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, партиямизга хайрихоҳлар сони кундан-кун ортиб бораётганида кўринмоқда. Айни пайтда бошланғич партия ташкилоти худуддаги ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллаларда турли тадбирларни ташкил этишда бош-қош бўляпти.

Бошланғич партия ташкилоти томонидан ҳар ойда бир марта ўқув ташкил этилиб, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти чуқур ўрганилмоқда. Бундан ташқари, ўқувлар давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига оид масалалар кенг таҳлил этиб бориляпти.

Фаол аъзоларимиз маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига коммунал соҳадаги муаммолар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш борасидаги масалалар билан мурожаат этиб туришади. Электорат манфаатларига таҳдид бўлган бундай масалалар партия гуруҳи томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилиб, ижобий ечим топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич партия ташкилотлари орқали сиёсий партия ўз электорати, умуман, одамлар орасига чуқур кириб боради, уларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганади, энг муҳими, тегишли масалаларга самарали ечим топилади. Демак, куйи бўгинда иш тўғрисида тизимли ташкил этилишига эришиш сиёсий кучнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Зафар ОЧИЛОВ,  
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудири.

## ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

Томди туман ҳокимлиги, прокуратураси, туман бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 22 корхона ва ташкилот 94 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунги 44 нафар йигит-қиз ўзи танлаган соҳа бўйича ишга киришга йўлланма олди.

## Меҳнат ярмаркасида

44 нафар йигит-қиз ишга кириш учун йўлланма олди

Жақилиқ Мингбаев туман тиббиёт бирлашмасининг хўжалик ишлари мудири ёрдамчиси вазифасига ишга қабул қилинган бўлди.

— Ҳозир 19 ёшдан, — дейди у. — Меҳнат ярмаркасида ўзимга маъқул иш топдим. Келажакда оиламга нафим тегишидан хурсандман. Юртимизда ишлаш, деган одамга иш, шароит етарли. Бунинг устига биз иш ахтариб овера бўлаётганимиз йўқ. Иш бизни ахтармоқда. Ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Ўз мухбири.

## ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

# Ёшларимизни «оммавий маданият» таъсиридан асрайлик

Президентимиз бу йил мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табриғида ёшлар маънавияти, таълим-тарбияси, бу борада олдинда турган вазифалар ҳақида ҳаммамиз учун муҳим бўлган фикрларни илгари сурди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабиҳ тузоғига илтиртириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётганини яна бир бор эслатди.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажигига қарши қаратилган таҳдидлар — бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки «оммавий маданият» кўринишлари бўладими — бундай бало-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо оғох ва ҳўшёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айлана-



ётгани ўқитилди.

— Техника ва тараққиёт асри бутун дунёда бўлгани каби бизнинг йигит-қизларга ҳам қатта имкониятлар яратиб бермоқда, — деди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Шахноза Мираҳимова**. — Лекин афсуски, бундан ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга бўлган интилиш, ахборот хуружлари орқали ёшлар онига салбий таъсир этиш ҳаракатлари ҳам кўчаиб бормоқда. Бу барчамиздан доимий сергаклик ва огоҳлиқ талаб этади. Фарзандларимизнинг дунёқарабини саёзлаштиришга

уринаётган кучларга қарши ҳаммамиз биргаликда курашишимиз керак, деб ўйлайман. Ёшлар оқ-қорани яхши фарқлай олса, тўғри ва нотўғрини ажрата билса, уларга ҳеч қандай ёвуз куч таъсир қила олмайди. Биринчи навбатда ота-она, ўқитувчи ва маҳалла, шунингдек, партия ташкилотлари ҳамда депутатлар ҳамкорлигида тарғибот тадбирларини кучайтиришимиз зарур.

— Ёшлар соғлом фикрли бўлса, уларга ҳеч қандай «оммавий маданият» таъсир қила олмайди, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси**

**Шохрух Абдурахмонов**. — Қанотимиз ёшларда ёт ғояларга қарши кураш имонитетини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада турли сўровлар ўтказилиб, йигит-қизларнинг фикри ўрганилмоқда. Барча худудий ташкилотларда форум ҳамда семинарлар доимий равишда ўтказилляпти. Ўйлаш-манки, олиб бораётган ҳаракатларимиз яхши самара беради.

— Бугун нега айрим ёшлар «оммавий маданият» таъсирига тушиб қоляпти, деган савол устида ҳар биримиз мулоҳаза юритиши-

миз зарур, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Нодира Ғофурова**. — Биз, аввало, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эътибор беришимиз керак. Масалан, уларни турли тўғаракларга жалб қилиб, касб-хунар ўрганиши учун кўмаклаштириш лозим. Бу йигит-қизларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Яна бир масала. Ҳозир ҳар бир хонадонда компьютер бор. Менимча, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни кўпайтиришимиз керак.

Жаҳон таърибасидан маълумки, технологик жараёнлар қанчалик кучли бўлиши, ривожланишига қарамай, маданият ва маънавият тушунчаси ҳаётини олға бошлаб, унга мазмун бағишляпти. Шунинг учун иштирокчилар томонидан халқимизга хос умуминсоний қасдлар тарғиботи кучайтиришга хизмат қиладиган медиа маҳсулотлар яратиш кераклиги ҳусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ, МАҚБУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛИШИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ МУҲИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

ЎзХДП КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, БАРҚАРОР ДАРОМАДГА ЭГА Бўлмаган оилаларнинг қобилиятли ва истеъдодли болаларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга хайрихоҳдир.

Ўзбек пахта толасига бўлган талаб жаҳон бозорида йил сайин ортиб бораётир. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хорижлик иштирокчилари сафи ҳам йил сайин кўпаймоқда.

## ■ ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Истиқлол имкониятлари боис Навоий вилоятининг шаҳару қишлоқларида ҳам мисли қўрилмаган бунёдкорликлар, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги йиллари Навоий шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда қисқа фурсатларда қад ростлаган замонавий ва шинам кўп қаватли уйлар кўрган кишининг ҳайратини оширади, ҳавасини уйғотди.

## ■ ЙўЛЛАРИМИЗ РАВОН, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛМОҚДА

Шаҳарнинг Маҳмуд Таробий кўчаси бўйлаб юрсангиз, шаҳар-созлиқнинг ўзига хос намуналарига гувоҳ бўласиз. Кейинги 7-8 йил ичида бу ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. 14 минг томошабинни бағрига олувчи стадион, кураш, бадий гимнастика, оғир атлетика, бокс заллари қурилди. Ҳозирда юзлаб ёшлар бу ерда ўзлари танлаган спорт тури бўйича машғулотларда қатнашиб келмоқда. Шаҳар атрофи ободонлаштирилиб, гулзорларга айлантилди. Текис ва равон йўллар ёқасига ёриткичлар ўрнатилди.

Шаҳар йўлсозлари томонидан амалга оширилаётган ишлар эса алоҳида эътиборга сазовордир. Бугунги кунда шаҳарнинг энг серкатнов ва гавжум кўчаларидан бири ҳисобланган «Ғалаба» шоҳ кўчаси бўйлаб Кармана туманини Навоий темир йўл вокзали билан туташтирувчи автомагистраль йўлини янада кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу автомобиль йўли қурилишини Навоий кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўлсозлари олиб бормоқда. Биринчи навбатда тунги чирок ўрнатиш ишлари баҳарилди. Асфальт ётқириш ишлари ҳам тез кунларда ниҳоясига етади. Пийдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Амир Темури кўчасида 1300 метр узунликда пийдалар йўлагини қурилмоқда.

— Йўлни лойиҳалашда биринчи навбатда автомашиналар сонининг кундан-кунга ортиб бораётгани инобатга олинди, — дейди **лойиҳа бош муҳандиси Файрат Бобоёров**. — Йўлнинг эни 16 метр бўлиб, унинг атрофида сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари ҳамда йўловчилар учун бекатлар барпо этилади.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ■ ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

# Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридаги эътирофи

Пойтахтимизда 15-16 октябрь кунлари XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 июлдаги «XI Халқаро Ўзбек пахта ярмаркасини ўтказишнинг ташкиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосан, бўладиган мазкур ярмаркада иштирок этиш учун Тошкентта дунёнинг кўплаб давлатларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар ташриф буюради. Улар иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғини ривожлантириш, жаҳон бозорларидаги нархлар барқарорлиги, халқаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда истиқболларини муҳокама қилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда пахта ва тўқимачилик маҳсулини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишилади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижа етказиб бериш бўйича шартномалар тузилади. Айни дамларда ушбу тадбирни ҳар жиҳатдан самарали ўтказиш ва соҳада сўнгги йилларда амалга оширилаётган янгилар билан иштирокчиларни таништириш мақсадида пахта тайёргарлик қўрилмоқда. Ярмарка иштирокчиларини Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида кутиб олиш режалаштирилмоқда. Хорижлик меҳмонлар бу ерда пахтани қайта ишлаш жараёнига татбиқ этилаётган замонавий янги технологиялар билан ақиндан таништирилиб, соҳа мутахассислари билан бевоқиф фикр алмашишади. Бундан ташқари,

Давом. Бошланғич 1-бетда.

«Ўзэксспомарказ» халқаро комплекси томонидан ажратиладиган майдонда соҳа корхоналарининг ишлаш жараёнини тўлиқ намойиш этувчи кўргазмалар, пахтани қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларидан намуналар ҳам ўрин олади.

— Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан биридир, — дейди **«Ўзбекенгил-саноат» акциядорлик компаниясининг Агентлик раҳбари Даврон Акбаров**. — Ўзбек пахта толасига бўлган талаб жаҳон бозорида йил сайин ортиб бораётир. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хорижлик иштирокчилари сафи ҳам йил сайин кўпаймоқда. Биргина мисол. Агар 2005 йилда ўтказилган ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада дунёнинг 40 давлатидан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг мингдан зиёд вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Бу Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт кўламини тобора кенгайтиб, соҳа корхоналарининг жадал ривожланаётганлигидан далолат беради.

— Экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз равнақи, қолаверса, пахтачилик соҳасининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади, — дейди **«Тошкентпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг тайёр маҳсулотларини сотишни ташкил этиш ва логистика бўлими бошлиги Тўхтамурза Қорабоев**. — Толанинг асо-

сий қисми хорижга экспорт қилиниши ҳам ана шундан. Бундан кўринадики, жаҳон бозорида ўз ўрнини топиб қолганимиз учун энг аввало, тола сифати юқори бўлган навлар масаласига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Айни дамларда тармоқдаги айрим муаммоларни тезроқ бартараф этиш чоралари қўрилаётгани яхши самара бермоқда. Кечпишар, касалликка чидамсиз, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган навлар сони йил сайин камайитириб боришмоқда. Вилоятимиздаги кўплаб деҳқон-фермер хўжалиқларида IV-V типга мансуб, толаси жаҳон бозорида харидориги «С-6524», «Наманган-77», «Келажак», «Султон», «Порлок-1», «Порлок-4» сингари навларни кўпроқ экишга эътибор бериш. Сабаби, бу навлар хомашёсидан тола чиқиш даражаси ўртача 34-35 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, улар вилоятимиз туپроқ, иқлим шароитига мос. Дарҳақиқат, бирлашмамиз жамоаси ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Чунончи, тайёр маҳсулотларни шартномалар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Вилоятимиз далаларида ўтган йили етиштирилган 239 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси тизимимиздаги 8 пахта тозалаш корхонасида қайта ишланиб, 59 минг 131 тоннадан зиёд тола олинди. Бу маҳсулот «Тошкент-тола» минтақавий пахта терминали оғибори орқали Хитой, Эрон, Туркия, Грузия сингари мамлакатларга экспорт қилинди.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчами, сифати, нави, ранги бир хил бўлган муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — тушунтиради **Оққўрғон туманидаги «Алимкент» пахта тозалаш корхонаси раҳбари Хусан Тошпўлатов**. — Биз ана шу мақсадда замон талабларидан келиб чиқиб, корхонамиз ишини тобора такомиллаштиришни мақсад қилдик ва бу йўлда изланишлар олиб бораёмиз. Корхонамизда жорий йилдаги пахта ҳосилидан жаҳон бозорида харидориги бўлган IV типга мансуб тола олинмоқда. Тола чиқими эса 34-35 фоизни ташкил қилаётир.

Ўтган йили корхонамизда туманимиз пахта далаларида етиштирилган ҳосил қайта ишланиб, 5 минг 684 тонна миқдорда сифатли тола олинди. Тайёр маҳсулот минтақавий терминал оғиборлари орқали хорижга экспорт қилинди.

«Ўзбекистон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бош биниси ва пах-



та тозалаш цехлари реконструкция қилинди. Меҳнат унвондорлиги паст асбоб-ускуналар ўрнига, Хитойнинг пахтачилик саноатида етакчи ҳисобланган замонавий ускуналар ўрнатилди.

— Бунинг натижасида пахта хомашёсини толага айланттириш жараёни соддалашди, — дейди

корхона раҳбари **Рустам Аббосов**. — Қўл меҳнати, электр энергия сарф-харажатлари икки-уч бараварга камайди. Тизим автоматлашган. Пахта хомашёсини тозалашдан тортиб, то тайёр маҳсулотга айланттиргунга қадар бўлган жараёнлар компьютерлар ёрдамида бошқарилаётир. Ана шундай қулайликлар эвазига пахта толаси олиш ҳажми ошди. Бу — бир неча тонна юқори сифатли тола, миллион-миллион сўмлик қўшимча даромад деганидир.

Яна бир янгиллик. Илгарилари «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли пахтани қайта ишлаш корхоналарида тола тойлари дағал симлар ва кўримсиз матоларда қадокланган бўлса, эндиликда тайёр маҳсулотлар полиэтилен қоплар ичида жойлаштирилиб, бежирим ленталар билан безатилмоқда. Бу ҳам жаҳон бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ярмаркада Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги ип-калава, трикотаж матоси, матолар, тайёр тикувчилик буюмлари ҳам намойиш этилади. Айнага кўра, ярмарка доирасида мамлакатимиз худудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга доир

янгиларни тақдимоти-ни ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноатининг жаҳон бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланаётганлигидан ёрқин далолат беради.

янгиларни тақдимоти-ни ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.

Бунинг натижасида пахта хомашёсини толага айланттириш жараёни соддалашди, — дейди


Соҳибжон САЛИМОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



## Сайловнинг дастлабки натижалари

эълон қилинди

Жорий йил 11 октябрь — якшанба куні Беларусда президент сайлови бўлиб ўтганди. Унинг дастлабки натижалари эълон қилинди.



Республика Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, мамлакатнинг амалдаги президенти Александр Лукашенко 83,49 фоиз овоз олган.

Президентликка бошқа номзодлар олган овозлар қуйидагича бўлди: Либерал-демократик партияси етакчиси Сергей Гайдукевич 3,32 фоиз, «Говори правду» компанияси фаоли Татьяна Короткевич 4,42 фоиз, Беларусь ватанпарварлик партияси раиси Николай Улахович 1,67 фоиз сайловчининг овозига эга бўлган.

Умумий ҳисобда 86,75 фоиз сайловчи сайловда иштирок этган. Шундан 36 фоиз сайловчи мuddатидан аввал овоз бериш имкониятидан фойдаланган.

Беларусь Марказий сайлов комиссияси ва МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган кузатувчиларнинг расмий маълумотларига қараганда, сайлов жараёнида жиддий қонунбузилишлар содир этилмаган.

Сайловнинг якуний натижалари жума куні расмий эълон қилинади.

## Такси хизмати учун янги қоида

Хитой маъмурияти онлайн буюртма бўйича фаолият юритувчи такси сервислари, жумладан, «Uber» ва «Didi Kuaidi» компаниялари учун янги қоида ишлаб чиқди. Ҳозир мазкур қоидалар тартиб юзасидан муҳокамалар жараёни давом этмоқда. Мақсад такси сервислари фаолиятини тартибга солиш, янада такомиллаштириш, дейилади «Коммерсант» газетасида чоп этилган ахборотда.



Янги қоидалар лойиҳасига кўра, таксига онлайн буюртма қабул қилувчи ташкилот Хитойда ўз идораси ва серверларига эга бўлиши даркор. Улар мамлакат маъмуриятидан махсус лицензия олгачина фаолият юритишига рухсат берилди.

Онлайн буюртма бўйича фаолият кўрсатувчи такси хайдовчилари махсус тестдан ўтиши ва меҳнат шартномаси тузиши шарт. Такси автомобиллари эса сугурта қилдирилиши мажбурий, 7 тадан ортиқ йўловчи олиш мумкин эмас.

Ушбу янги қоидалар тасдиқдан ўтса, янги йилгача жорий этилади.

Эслатиб ўтамиз, «Uber» компанияси айни пайтда Хитойнинг 20 шаҳрида онлайн буюртма бўйича фаолият юритади.

## ■ ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш

чоралари кўрилмоқда

Миллий матбуот марказида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Халқаро табиий офатлар хавфини камайитириш кунига» бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

— Турли хил кўнгилсиз фавқулодда вазиятлар одамларнинг қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки аъзо муҳитга зарар етишига ёхуд жиддий молиявий талафотларга сабаб бўлади, — дейди **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги Фариҳдин Ғуломов**. — Шунинг учун фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, уларнинг оқибатларини бартараф этишга, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, имкон

қадар рўй бериши мумкин бўлган хавфни камайитиришга, одамлар соғлиғини сақлаш, аъзо-муҳитга етказила-диган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Маълумотларга кўра, Республикада гидрометеорологик ҳодисаларни прогнозлаштириш, сел-тошқин ва қор қўқисси хавфи мавжуд бўлган худудларни ўрганиш мақсадида ҳар йили аэровизуал кузатувлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Тошкент,

Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг баланд тоғли худудларида жами 8 марта аэровизуал кузатув ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати томонидан баҳорги ва кузги мавсумда қўқис хавфи бор бўлган худудлар тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда тошқин, сел, қор қўқислари ва қўқис ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисидаги ҳамада 2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача су-

ларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни ҳамда тошқинга қарши ҳукумат комиссияси мажлисининг бир қатор баёнлари ижросини таъминлаш мақсадида, ўтган давр мобайнида Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги хавфли худудлардаги хўжаликлар доимий ҳамда вақтинча хавфсиз худудларга кўчирилди.

Шунингдек, хавфли худудлардаги вазиятни назорат қилиш мақсадида республика бўйича кўплаб назорат-кузатув постлари ташкил этилиб, зарурий техника, транс-

порт ва алоқа воситалари билан таъминланди.

— Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай воқеалар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш учун ҳар бир фуқаро етарли билим, малакага эга бўлиши зарур, — дейди **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот котиби Аҳмаджон Қодиров**. — Шундай экан, аввало, аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот ишлари алоҳида эътибор берилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, Олий ва ўрта махсус касб-

хуна таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси кўнлари, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда амалий ва ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида «Уйингиз зилзилага бардош бера оладими?» ва «Зилзилабардод уй қандай қурилади?» деб номланган қўлланмалар Ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб, чоп этилди.

Матбуот анжуманида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга аълофли-ча жавоб олди.

Наврўз ҒУЛОМОВ

■ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙНИНГ ШАНЬСИ ПРОВИНЦИЯСИ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА БИЗНЕС-ФОРУМ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ, ХИТОЙ ХАЛҚАРО САВДО ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАК БЕРИШ ҚЎМИТАСИ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ 11 ФОИЗГА ЎСДИ. БУНДА ЖАМИ КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ 21,3 ФОИЗИ ЁКИ 1,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ. УЛАРНИНГ 1,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДИР.

## БОКС

Бугун Доха (Қатар)да бокс бўйича ўн саккизинчи жаҳон чемпионати якунланади.

## УЧ НАФАР БОКСЧИМИЗ — ФИНАЛДА!

Аввал хабар қилганимиздек, нуфузли мусобақада рингга чиққан тўққиз боксчидан олти нафари ярим финалга йўлланма олган эди. Аммо ҳал қилувчи баҳс остонасида ҳамюртларимиз Элнур Абдураимов (60 кг), Элшод Расулов (81 кг) ва Баҳодир Жалолов (+91 кг) рақибига имкониятни бой берди ва бронза медал билан қифояланди.



Кеча мусобақанинг финал учрашувлари бошланди. Унда Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) ирландиялик Майкл Конлонга, Фазлиддин Гойибназаров (64 кг) россиялик Виталий Дунайцевга, Бектемир Мелиқўзиев (75 кг) эса кубалик Арлен Лопесга қарши баҳс юритди.

Бугун жаҳон чемпионатининг барча вазн тоифаларида ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

## АНЖУМАН

### СУҒУРТА СОҲАСИДА

аҳолига янги

қулайликлар яратилмоқда

«Кафолат» суғурта компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

— Молия-ҳўжалик фаолиятининг очиклиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида компанияда молиявий ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар, ҳодимларни бошқариш, ишлаб чиқариш-техник фаолиятини компьютерлаштириш бўйича интеграциялаштирилган комплекс ахборот тизими жорий қилинган, — дейди «Кафолат» суғурта компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Валентина Грибанова. — Шунингдек, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида мижозларнинг муайян суғурта маҳсулоти ёхуд хизматлар бўйича маълумотлар олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Қолаверса, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича автоматлаштирилган маълумотлар тизими яратилди. Мазкур тизим замонавий Интернет технологиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, барча зарурий ҳужжатларни шакллантириш ва чоп этиш жараёнларини тезлаштириш, керакли маълумотлар билан таъминлаш ҳамда уларни компаниянинг ягона маълумотлар базасида сақлаш имкониятини яратди.

Бундан ташқари, компания томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полисига эга бўлган мижозлар учун «sms-хабар» хизмати жорий этилган. Ушбу хизмат транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган ва рўйхатдан ўтганларга суғурта ҳақида автоматик хабар юборади. Бу билан компания ушбу турдаги суғурта хизмати бўйича полисини янги муддатга расмийлаштиришни унутган мижозларнинг жарима тўлаш каби ноқулайликларга дуч келмаслигини назарда тутган.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## МАТОНАТ

# Иродадан яралган инсон

Ёки футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси, беш карра жаҳон чемпиони Абдужамил Шукuroвнинг кечинмалари ва ғалабалари ҳақида

Унинг сўзларига, қалбига кулоқ тутар эканмиз, улуғларимизнинг ҳикмати ёдга тушади: «Инсонларни китоб каби анланг, муқовасига қараб алданманг, ичини ўқиб чиққачгина моҳиятини биларсиз...»

Бўлажак футболчи 1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Жуда чакчон ва ҳаракатчан бўлиб ўсди. Тенгдошлари қувлашмачок пайтида унга ета олмас, футболда ундан тўп олиш қийин эди. Ўша кезлар тўрт мучаси соғ бу болага кўпчилик ҳавас қилгани рости. У ўзини сира аямас, ҳар қандай шароитда ҳам футболни биринчи ўринга қўярди. Абдужамил футболсиз бир кун ҳам яшай олмаслигини болалигидаёқ англаб етди. Саккиз ёшидан шахардаги 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тахсил ола бошлади. Унга Бадали Шамсимухаммедов, Рашид Айतेков мураббийлик қилди. Кўпчилик унинг келажагини катта футбол билан боғлар, ҳатто болакайни дунёнинг энг кучли футболчилари номи билан чақира бошлашганди.

Вақт ўтган сари Абдужамилнинг кучига куч, маҳоратиға маҳорат, орзусига орзу қўшилиб борди. Аммо бўлажак футболчининг олдинда оғир синовлар кутаётган эди...

### ЖАРОҲАТ

Ўша куни стадионда ҳар галгидан ҳам кўпроқ томошабин тўпланади. 16 ёшли ўспирин жон-жаҳди билан ўйнайди. Кутилмаганда Абдужамил оёғидан жароҳат олади. Аммо бунга сира эътибор бермай, ўйинни давом эттираверади. У ўспиринларга хос қайсарлик ва андиша билан жароҳатини ҳеч қимга айтмади, баъзан оқсаб, баъзан алам устида кейинги ўйинларга ҳам тушаверди, тушаверди... Тиниб-тинчимас ўспирин ҳар доим майдонда бўлишни истарди.

Бир вақтлар ўзини қушдай енгил сезувчи Абдужамил энди ҳар қачонгидан ҳам кучли оғрик билан майдонга тушар, борган сари ҳаракатлари сустлашиб, қадам босиши қийинлашарди. Бир кун келиб, оғриқлар авжига етди ва у бир қадам ҳам боса олмай қолди. Зудлик билан етиб келган шифокор Абдужамилни шифохонага олиб кетди. Рентген натижалари ҳатто шифокорларни ҳам саросимага солиб қўйди.

— Бу қандай бола экан-а, оёғидаги охирги томири узилгунча

тўп тепибди, — деди ҳайратланиб шифокор. — Ҳар ўйнаганида камиде биттадан томири узилган. Эссиз...

Хуллас, тиббиёт ходимлари бўлажак спортчи учун охирги чорани қўллашга мажбур бўлди. Оёқни кесмаса бўлмасди.

Қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, ўсмир йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиш керак. Тўшақда беҳуш ётган Абдужамил ўзининг келажаги шу оёғига боғлиқ эканини ҳис қилар, уни йўқотиш ҳаётни бой беришдек даҳшатли туюларди.

### ИЗТИРОБ

Оёғидан маҳрум бўлган кезлари келажаги маҳрум бўлиб қолаётган футболчи эндигина Тошкент давлат техника университетининг 1-курс талабаси эди. Шундан сўнг унинг ҳаёти бутунлай ўзгарди. Футболдан кўнгли қолди. Ўйга қамалиб олиб, кўчага ҳам чиқмай қўйди.

— Оёғимдан ажралганимдан кейин ҳаёт мен учун тугаган эди. На орзу-умид, на мақсадим бор, — деб эслайди у. — Энди фақат берилган умрни яшаб ўтишдан бошқа чорам қолмаганди. Футболга қўзим тушса, эзилиб йиғлардим. Ҳатто телевизор ҳам кўрмай қўйдим. Футболни эслатадиган ҳамма нарсани кўздан узоклаштирдим.

Бир куни дўстларим мени кўярда-қўймай стадионга олиб кетишди. Ўшанда ногиронлар ўртасидаги ўйинни томоша қилганимиз. Ўйиндан сўнг стадионда тўп билан ёлғиз қолдим. Қўлиқтаёқда озгина маш қилдим. Оёғим тўпни шу қадар соғинган эдики, тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ўрганган кўнгли ўша куни ўртанди. Ҳаракатларим-бир чеккада кузатиб турган мураббий футбол машғулотларига таклиф қилди. Ногиронлар жамоасида ўйнаш аллақачон сўниб бўлган орзуларимни алангалатиб юборди...

### ФУТБОЛЧИНING ИККИНЧИ УМРИ

Шу-шу, Абдужамил учун футболнинг иккинчи фасли, айтиш мумкинки, ўзининг иккинчи умри



шаънини муносиб ҳимоя қилгани учун Абдужамил Шукuroв Президентимизнинг «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармониға биноан, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

2010 йил Аргентинада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам футболчиларимиз ғалаба қозонишди. Финалда терма жамоамиз майдон эгаларини мағлубиятга учратди. 2012 йилда Россияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам жамоа зафар кўчди.

— 20 ёшимда ўйлан-дим, — ҳикоя қилади у. — Иккита ўғлим, битта қизим бор. Ўғилларимдан бири 16, иккинчиси 17 ёшга тўлди. Ҳар бирининг ўз ўрған-наётган соҳаси бўлишига қарамай, футбол билан яшайди.

### ИКРОР

— Аслида ғалабаға эришиш учун инсонға мустаҳкам ирода керак, — дейди у. — Ғалаба учун эса касбингни, ишингни севишинг, унга фидо бўлишинг керак. Ўзбекистон ногиронлар миллий терма жамоасида шундай ўйинчилар йиғилган. Айрим футболчилар машғулот ўтказиш учун узоқ туманлардан ҳам етиб келишади. Биз шу вақтгача фақат Ўзбекистоннинг шаъни учун курашдик ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ишонасизми, кўпгина ривожланган мамлакатларда бир эмас, иккита ампутантлар лигаси бор. Бизда эса шу кунгача фақат битта жамоа бўлган. Шу жамоа билан дунёға чиқдик, рақибларимизни қайта-қайта мағлубиятга учрата-вердик. Нега шундайлиги ҳақида кўп ўйлайман, ўзимча ҳулосалар қиламан: ҳар доим ота-онам, фарзандларим, дўстларим, Ватаним учун ўйнаганман. Агар шундай бўлмаганида, бирор марта ҳам ғалабаға эриша олмасдик...

Абдужамил Шукuroвнинг сўзларини тинглар экансиз, умидсизликни енгиш, олға юриш учун куч топа олиш ҳаётдаги энг муҳим ғалаба эканини англагандек бўласиз.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти республика бўйлаб ва МДХ мамлакатларига электрон чипталар сотишни жорий қилди. Бу ҳақда жамият расмий сайти хабар тарқатган.

## Поезд чипталари

интернет орқали сотилади

Электрон чиптани харид қилиш учун сайтда рўйхатдан ўтиш керак. Рейс, вагон тури ва жойини танлаб, поездга чикувчи шахсининг паспорт ва бошқа маълумотларини киритгандан сўнг пул ўтказилади. Мазкур ишлар бажарилган, чиптани қозоғга чиқариб олишга рухсат берилди.

Агар уни чоп этишнинг иложи бўлмаса, электрон чипта рақамини (14 та рақам) айтиб, кассада олиш ҳам мумкин. Электрон чипталарни харид қилишнинг қондалари ва бу ҳақидаги тўлиқ маълумотларни «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти расмий сайти (www.uzrailway.uz)дан олса бўлади.



ри» акциядорлик жамияти расмий сайти (www.uzrailway.uz)дан олса бўлади.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ  
тайёрлади.

## ТЕННИС

### «Челленжер» халқаро турнирида

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида давом этаётган мусобақанинг яққалик учрашувлари дастлабки босқичда ҳамюртларимиз Фаррух Дўстов Босния ва Герцоговина вахили Алдин Сеткичдан устун (6/2, 7/5) келганлигини хабар қилгандик. Энди моҳир ракеткачимиз нимчорак финалда россиялик Константин Кравчук билан бўлиб юритади.

Кўрғаға кўра, турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси Денис Истомин эса белоруслик Владимир Игнатикка қарши кортга чиқди. Учрашувнинг дастлабки сетда теннисчимиз рақибининг қаршилигини маҳорат билан енги — 7/6(5). Денис иккинчи сетда тўлиқ устунлигини намойиш этиб, нимчорак финалга йўлланма олди — 6/4. Теннисчимиз чорак финал йўлланмаси учун германиялик Максимилиан Мартерер билан кўч синашади.

Яна бир умидли ракеткачимиз Санжар Файзиев ҳам дастлабки босқични муваффақиятли якунлади. У эстониялик Владимир Ивановни мағлубиятга учратди — 6/4, 7/5. Санжарнинг навбатдаги рақиб чехиялик Ян Сатрал бўлади.

«Челленжер — 2015» халқаро турнири жуфтлик баҳслари ҳам барчанинг диққат-эътиборида турибди. Унда ҳамюртларимиз Темура Исmoilов/Шониматжон Шофайзиев «дуэти» илк учрашувда Андре Бегеманн (Германия)/Артём Стак (Янги Зеландия) жуфтлигини икки сет якунига кўра доғда қолдирди — 7/5, 6/1.

Мусобақалар давом этмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси.

## РЕКЛАМА

**ООО «KRANTAS»**  
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³.

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³.

АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³.

КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИМЕРНОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³.

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³.

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.